90697

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 31 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 41 (6937)

Da'vat

Китобни тушуниб мутолаа қилиш керак. Баъзан тушуниб мутолаа қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Фикрлар тез унутилиши мумкин. Бундай ҳолларда айрим зарур фикрларни ёд олиш керак бўларди.

Абдулла ҚОДИРИЙ.

Ibrat

Мамлакатимизда мактабларга ёрдам кўрсатиш анъана тусини олмоқда. Риштон туманидаги «Ёшлик» жамоа хўжалиги бошқаруви ҳам бу анъанадан четда қолмади — хўжалик ҳудудидаги 19-ўрта мактабга икки бош қўй совға қилди.

ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИ

«Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** номли китобини ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқарди.

Мазкур китоб давримизнинг энг муҳим ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолари таҳлилига бағишланган.

Китобнинг **«Хавфсизликка таҳдид»** деб номланган биринчи бобида минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари, экологик муаммолар ҳар томонлама изчил таҳлил қилинади.

«Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» деб номланган иккинчи бобда эса истиқлол йилларида Ўзбекистонда рўй берган оламшумул ўзгаришлар хусусида фикр юритилади. Жумладан, миллий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шакланиши, юртимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши, мамлакатимизнинг жўғрофий-стратегик имкониятлари ва табиий-хом ашё ресурслари, инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси, жамиятимиздаги кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик масалалари бугун оламда рўй бераётган мураккаб ва жўшқин жараёнлар билан бевосита узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади.

Бу китобда муҳокамага қўйилган мавзунинг ўзи, яъни хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишига эришиш масаласи моҳият эътибори билан давлат мустақиллиги ва суверенитетига, халқ эркинлиги ва тенглигига эришишнинг асосий мазмуни, айтиш мумкинки, пировард ва олий мақсадидир.

Китобда ана шу улуғ мақсад йўлида турган муаммолар ва таҳдидлар чуқур илмий ёндашув ва холислик билан ёритилган. Бу муаммо ва таҳдидларни аниқ тушуниш эса жамиятни бирлаштиради, жипслаштиради, ҳар бир кишига ўзининг масъулиятини, ўз ўлкаси, жонажон Ватанининг тарихи ва ҳаётидаги мураккаб воқеаларга дахлдорлигини пухта идрок этиш, янада теранроқ англаш имконини беради.

(ЎзА).

Rasmiy bo'lim

УЧ МУҲИМ ҲУЖЖАТ ТАСДИҚЛАНДИ

Халқ таълими вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар тасарруфидаги янги турдаги таълим муассасаларига иқтидорли ўқувчиларни танлаш, уларга чуқурлаштирилган дастур ва қўлланмалар асосида таълим-тарбия бериш, ушбу муассасалардаги таълим мазмунини янада такомиллаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Янги турдаги таълим муассасаларининг қабул ҳайъати ҳақида йўриқнома», «Ўқувчиларни лицейга қабул қилиш қоидалари», «Ўқувчиларни гимназияга қабул қилиш қоидалари» газетамизнинг 1996 йил 2 октябрь сонида лойиҳа сифатида эълон қилинганди. Ўтган давр мобайнида ушбу зарурий ҳужжатлар муҳокамасида мутахассислар, кенг жамоатчилик иштирок этди. Республикамиздаги янги турдаги таълим муассасаларидаги таълим-тарбия борасидаги илғор тажрибалар, халқ таълими бошқарув идоралари, тажрибали педагоглар, таълим муассасалари раҳбарларининг таклиф ва мулоҳазалари эътиборга олинган ҳолда ушбу ҳужжатлар Халқ таълими вазирлиги томонидан (1997 йил 23 май) тасдиқланди.

Вазирликнинг бу уччала ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғида, уларни амалда қўллаш билан боғлиқ бирталай вазифалар тегишли муассасаларга, мутасадди шахсларга юкланган. Жумладан мазкур қоидалар ва йўриқномани оғишмай амалга ошириш, қабул жараёнида тест усулини қўллаб-қувватлаш ҳамда уни ташкил этиш, ўқувчиларни танлаш усулларини такомиллаштириш мақсадида Истеъдод марказининг жойлардаги шохобчалари фаолиятини янада такомиллаштириш каби масалаларга жиддий эътибор бериш таъкидланган.

Маълумки, янги турдаги муассасаларнинг ташкил этила бошлангани боис улар фаолиятини ташкил этишни илмий асосга қуриш мақсадида яратилган «Давлат таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги Низом» (1993 йил 12 август), «Лицей тўғрисидаги Низом», (1993 йил 27 май) «Гимназия тўғрисидаги Низом» (1995 йил 21 ноябрь) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган эди. Бу Низомларга биноан ишни йўналтириш қай даражадалигига ойдинлик киритиш учун жойлардаги лицей ва гимназиялар фаолиятини жиддий таҳлил этиш ҳам буйруқда назарда тутилган.

Шунингдек, иқтидорли ўқувчиларни танлаш борасида салмоқли ишни амалга ошираётган Республика истеъдод маркази зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юкланган. Ҳар томонлама етук болаларни танлаш, ўқитиш, хорижий давлатларга юбориш ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар банкини яратиш бўйича «Камолот», «Олтин мерос», «Умид» ва Улуғбек номидаги жамғармалар билан ҳамкорликдаги дастурлар яратиш зарурлиги айтиб ўтилган.

Шунингдек, мазкур буйруқда бу борада қилиниши лозим бўлган яна бир қанча илмий-методик ҳамда ташкилий ишларни кечиктирмасдан ҳал этиш масаласи тегишли муассасалар олдига вазифа этиб қўйилган.

Мазкур буйруқ билан янги турдаги ўқув муассасаларида шу кунгача амал қилиб келинган қабул қоидалари бекор қилинган.

Ҳужжатлар матни газетамизнинг 2-бетида.

XALQARO KINOFESTIVALI TOSHKENT-97 INTERNATIONAL FILM FESTIVAL

МАЪНАВИЯТ КЎРИГИ ЯКУНЛАНДИ

Мана, бир ҳафта давомида юртимиз кино ихлосмандларига олам-олам қувонч бахш этган XII Тошкент Халқаро кинофестивали ҳам ниҳоясига етди.

29 май. Халқлар дўстлиги саройи. Бу ерда бўлиб ўтган кинофестивалнинг тантанали ёпилиш маросими ҳам унинг муваффақият билан ўтганлигини ва катта байрамга айланиб кетганини яна бир бор намойиш этди.

Фестиваль ҳайъати раиси Чингиз Айтматов ғолибларни эълон қилди.

Бош соврин — «Олтин ҳумо» Жанубий кореялик кино устаси Пак Чуль Сунинг «Алвидо, азизам» фильмига насиб этди.

Энг яхши аёл роли учун таъсис этилган «Олтин лола» совринини олишга эса бирданига икки бахтли, гўзал киноактрисалар — хитойлик Си Ми Чуан («Якка дарахт») ва озарбайжонлик Аян Мирсодиқовалар («Ўзгалар бахти») муяссар бўлишди. Энг яхши эркак роли учун таъсис этилган «Олтин арча» совринни эса россиялик Евгений Матвеевга («Русчасига севиш — 2») ҳақиқатан муҳаббат бобида эркакларнинг нималарга қодир эканлигини намойиш эта олганлиги учун топширилди.

Миллий анъаналарни сақлаганлиги ва тараққий эттирганлиги учун белгиланган «Семург» совринни қозоғистонлик режиссёр Адад Амирқуловга («Абай») топширилди.

Кинодаги илк муваффақиятли одим учун таъсис этилган ЮНЕСКО совринига ўзбекистонлик ёш актриса Раъно Шодиева («Атроф оппоқ қорга бурканди») сазовор бўлди. Халқаро ҳайъатнинг махсус совринини «Нексия» автомашинаси эса оператор Рифқат Иброҳимовга («Буюк Амир Темур») топширилди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулагановлар иштирок этишди.

Рустам БОЙМАТОВ.

ЖИЛОЛАРДАН ТЎН КИЙГАН МАЙДОН

Мана, икки кундирки, ўзбекнинг нақадар яратувчанлик санъати, диди пойтахтимизнинг қоқ юраги бўлмиш Амир Темур хиёбонининг биқинигинасидаги Сайилгоҳ кўчасига «тўкиб» қўйилган. Ҳунарлар жилоси сочилган у бу майдонни айланар экансиз, ҳар йили такрорланадиган Республика ҳунар билим юртларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ярмаркасининг ўтказилиши бежиз эмаслиги ҳақида ўйлаб қоласиз.

Дарвоқе, мазкур ярмарканинг очилиш маросимида Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев, Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ва бошқалар иштирок этишди.

Хуллас, ярмаркадаги маҳсулотларнинг бозори чаққон. Ишонаверинг. Негаки нархи арзон-да! Келинг, яхшиси ҳайратлар муҳрланган эшиклар ҳақида, қалб қўри тўкилган бешиклар ҳақида, борингки, ўроғу чолғудан тортиб... ҳамма-ҳаммаси ҳақида газетамизнинг кейинги чиқишларида биз айтақолайлик, сиз эшитақолинг.

Алишер НАЗАР.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

4-бет.

Imtihon

БИЛИМИНГИЗ НАМОЁН ЭТИНГ!..

Илм масканларида сўнгги қўнғироқ жаранглаб, ўғил-қизларнинг юзларига севинч, қалбларига изтироб солди. Шу билан бирга бу тадбирлар улар қалбига ажиб энтикиш ҳиссини олиб келди. Сирасини айтганда, ўғил-қизлар мактаб ҳаётида иккинчи бор бундай ҳодисотга, синоатга дуч келганликларини ҳис этишди. Биринчисида, илк мактаб остонасига қадам босишганида, қўлларига қалам тутқазишганида ҳам қаяжон босганди. Иккинчисида болалик ва ўсмирликдаги туйғу бир-бирига «чирмашиб» юракларга ғалаён солди.

Куни кеча Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактаб 11-синф ўқувчилари устозлари синовига шу туйғу ва узгача ҳаяжон билан кириб келишди. Кимё фанидан имтиҳон бошланди.

— Мактабда 40 йилдан буён дарс бераман, — деди мактаб кимё фани ўқитувчиси Мурод Мирзаев. — Барибир, ҳар йили ўқувчиларга қўшилиб ўзим имтиҳондан ўтаётгандай бўламан.

Бу — устоз ҳаяжони, қалб титроғи. Ў ўқувчиси тақдири, келажагини ўйлаяпти. Ўқувчи устозидан норизо кетмаяптими? Учирма бўлаётган полапонлари мустақил ҳаётда қоқилмасмикин, ўз ўрнига эга бўла олармикин?

Имтиҳондан чиқаётган ўғил-қизлар юзларидаги қувонч хаёллларга чек қўйгандай бўлди. Фарида Аҳмедова, Дилдора Абдураззоқова, Нозима Муҳамедова, Алишер Азимов тест синовларидан юқори балл олишиб, бирин-кетин чиқиб келдилар. Устозлар — мактаб директори Хайрулла Юнусов, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Зуҳра Миржамиловалар юзлари ёруғланди.

Ёруғлик педагогик жамоанинг келгуси ишларига замин ҳозирлайди, янада мукаммал билим беришга чорлайди. Туғриоғи, жамоа ўғил-қизларга чуқур билим бериш йўлида изланмоқда — қатор институтлар билан ҳамкорлик қилаётир. Кеча мактабнинг она тили фани чуқурлаштирилиб ўқитиладиган 10-«А» синфида 2 та гуруҳда назорат диктанти олинди. Юнон файласуфи Суқротнинг «Она тили саводхонликнинг бош негизидир. Уни муқаддас бил» ҳикматига амал қилинаётган синфда имтиҳон натижалари кутилганидан ҳам яхши бўлди. Ўқувчилардан Гулноза Раҳматуллаева, Шаҳноза Орифжонова, Шаҳноза Шарипова, Нигора Дўстмуҳамедова ёзган назорат диктантлари аъло баҳоларга сазовор бўлди. Ёзма ишлар шу куни текширилиб, сейфларга жойланди.

— Ҳуснихат инсоннинг зиёлилигини белгилайди, — деди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Матлуба Абдураззоқова. — Шу боис биз ўқувчиларнинг ёзма саводхонлиги, оғзаки нутқига катта эътибор бераяпмиз...

Муаллима суҳбат чоғида ҳамкасби Ботир Жамолов билан биргаликда илм масканларида ҳуснихатга эътиборни қаратиш, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти талабаларига хаттотлик санъати бўйича қўшимча дарслар ташкил қилиш каби истак ва мулоҳазаларини билдиришди. Бунга институт имкониятлари етарли.

Улкан имконият заҳираси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳам бор. Мактабда институт билан ҳамкорликда «Бизнес синфи» очилган. Шу институт доценти Малика Абдукаримованинг айтишича, синфда маркетинг, менежмент, банк иши ва иқтисодиёт асослари чуқур ўргатилади. Энди улардан бирлаштирилган имтиҳон олинади. Ҳозирги замон янги фанлари бўйича бозор иқтисодиётига мослашган муаммолар ҳам имтиҳон саволларида ўз аксини топади. Имтиҳондан ўтган ўқувчилар 11-махсус синфга қадам қўядилар...

Илм масканида таълим олаётган 915 нафар ўғил-қиздан 33 нафари 11-синфни битиришади. 105 нафар 9-синф ўқувчиларидан айримлари ўқиш учун қолишади, қолган гуруҳи касбкорлик бўйича ўқиш ва фаолиятни давом эттирадилар. Устозлар тилаклари эса кўп: Ватанга муносиб фарзанд бўлинг! Билимингиз намоён этинг...

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

«МЕН БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДИМАН»

Тўрткўл туманида мактаблардаги маънавий-маърифий тарбия масалаларига бағишланган йиғилишнинг шиори шундай бўлди. Ҳақиқатан ҳам ўтмиши, келажаги буюк Ватанимизга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳини ёшларга сингдиришда таълим тизимининг ўрни беқиёсдир. Йиғилишда туманнинг 11 та илғор мактаби вакиллари қатнашдилар. Туман халқ таълими бўлими мудири И. Ибодуллаев бу соҳада келажакда туман маорифчилари олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди.

Г. ОЛЛОБЕРГАНОВА.

УЛУҒЛАРНИ ХОТИРЛАБ

Қарши давлат университетида академик Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни университет педагогика ва мусиқа факультетининг декани, доцент Т. Ғаффорова кириш сўзи билан очар экан: «Катта талант соҳиби бўлган Ю. Ражабий хотираси доимо барҳаётдир», — деди. У кишининг ҳаёти, бастакорлик фаолияти ва бой ижодий мероси ҳақида профессор Сами Азиз ўғли, катта ўқитувчи М. Абдукаримовлар қизғин маърузалар қилишди.

Конференция сўнггида бастакор қаламига мансуб рақс ва ашулалар ижро этилди.

С. ШАПОАТОВ.

ЮЗЛАРИДА СЕВИНЧ, ДИЛДА ҲАЯЖОН

Наманган туманидаги 8-ўрта мактабда бўлиб ўтган сўнгги қўнғироқ кечаси наинки битирувчи ёшлар, балки бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар, яна бир синф улғайган ўқувчилар қалбига ҳам оламча ҳаяжон олиб кирди.

Кечада қатнашган меҳмонлар сўнгги қўнғироқ иштирокчиларига дил изҳорларини баён қилдилар ва битирувчи ёшларга оқ йўл тиладилар. Оҳангграбо қўшиқлар, маҳаллий шоирларнинг чиқишлари, жозибали рақслару шўх ўйин-кулгиларга уланиб кетди.

Ниҳоят, битирувчилардан Муниса Мамажонова 1-синф ўқувчиси жажжи Нигора билан биргаликда сўнгги қўнғироқни чалдилар. Унутилмас, ҳаяжонли дақиқалар, кимнингдир кўзларидан ёш тўкилди, кимдир чуқур хўрсиниб қўйди...

Тўхтахон РАҲИМОВА.

JUMLADA JAHON

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни — «Ўзқурилишматериаллари»ни «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясига ўзгартириш тўғриси»даги Фармонга имзо чекди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлади.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германиянинг иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазири Карл-Дитер Шпрангер раҳбарлигидаги ушбу мамлакат делегацияси аъзолари Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

29 май куни Тошкентда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси бошқарувининг мажлиси бўлди. Унда жамғарма бошқаруви, ижроия қўмитаси аъзолари, Марказий Осиё давлатлари тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар. Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Миср Президенти Ҳусни Муборак ва Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат Коҳирада учрашиб, Исроил — Фаластин тинчлик жараёни ривожига туртки бериш масалаларини муҳокама этдилар. Ёсир Арофат Миср Президенти билан суҳбатда Фаластин томони Исроил Қуддусдаги яҳудийлар учун уйлар қурилишини тўхтатмагунга қадар у билан музокаралар олиб бормаслигини яна бир бор таъкидлади.

Россия билан Хитой ҳамкорликда қўшма авиакомпания қурилишига доир ҳужжатларни ишлаб чиқмоқдалар. Ушбу авиакомпанияда Хитой учун зарур бўлган юк ҳамда йўловчи ташиш тайёралари ишлаб чиқариши кўзда тутилган.

Борис Ельцин, Хавьер Солана ва НАТО аъзоси бўлган мамлакатлар раҳбарлари Парижда НАТО ва Россия муносабатлари ҳақидаги ҳужжатни имзоладилар.

ЎҚУВЧИЛАРНИ УМУМТАЪЛИМ ЛИЦЕЙЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

I. УМУМИЙ ҚИСМ

Лицей — узлуксиз таълим тизимидаги бўғин бўлиб ўқувчиларга III босқич — ўрта таълим берувчи йўналишли ҳисобланган умумтаълим муассасасидир.

Ушбу умумтаълим муассасасида иқтисодиёт, техника, ҳуқуқ, тиббиёт, маданият, санъат ва бошқа соҳалар бўйича ҳамда айрим умумтаълим фанларини чуқурлаштирилган дастурлар асосида билим берилади.

II. ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар тасарруфидаги умумтаълим лицейларга таянч таълимнинг IX синф маълумотига эга бўлган ўсмир ва қизлар танлов асосида қабул қилинади. Таянч маълумотга эга бўлмаган ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш фақат Халқ таълими вазирлиги рухсати бўлган лицейларда амалга оширилади.

2. Қабул қилинувчилар ижтимоий келиб чиқиши, жинси, тили, миллати ва эътиқодидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидир.

3. Лицейга кирувчилар лицейнинг қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— директор номига ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розиликлари кўрсатилган шахсий ариза;

— туғилганлик ҳақида гувоҳномасидан кўчирма;

— 086/у формадаги тиббий маълумотнома;

— яшаш жойидан маълумотнома;

— 3/4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;

— маълумоти тўғрисида гувоҳнома (таянч маълумотга эга бўлмаганлар учун ўзлаштириш табели).

3.1. Хорижий давлатлар фуқаролари фарзандларининг ҳужжатларини қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибларда амалга оширилади.

3.2. Ҳарбий умумтаълим лицейларга кирувчилар лицей қабул ҳайъати томонидан белгиланган бошқа маълумотларни тақдим қилишлари керак.

3.3 Педагогик тажриба синов ишлари олиб борилаётган лицейларга кирувчилар учун Истеъдод маркази шаҳобчалари томонидан ўқувчи ақлий имкониятлари тўғрисида берган илмий хулосалари ҳам лицей қабул ҳайъатига берилади.

III. ҚАБУЛ ТАРТИБИ

4. Лицейнинг қабул ҳайъати даъвогарларнинг ҳужжатларини ўқув йили тугаганидан сўнг қабул қилади. Қабул синовлари қабул ҳайъатининг лицейга раҳбарлик қилаётган халқ таълими бошқаруви идоралари билан келишиб тасдиқланган жадвали асосида 10-30 июнь ва 5-20 август кунлари ичида ўтказилади.

Хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган лицейларда қабул синовларини ўтказиш тартиби халқаро шартномаларда белгиланган муддатларда ушбу қоида асосида ўтказилади.

5. Лицейнинг қабул ҳайъати томонидан тузилган қабул синовлари (фанлар бўйича тест ўтказиш, ёзма иш олиш ёки ижодий ишлари кўргазмасини ташкил қилиш, нутқ маҳоратини намойиш этиш) мазмуни ва шакли лицей директори томонидан тасдиқланади.

6. Қабул синовлари мазкур муассасада ўқиш олиб бориладиган тилда ўтказилади. Танлов умумтаълим фанлари дастурлари асосида бўлиши таъминланади.

7. Қабул қилинувчилар билимини баҳолаш мезони қабул ҳайъати томонидан белгиланган 100 балли тизим асосида ўтказилади.

Танлов фақат 50 баллдан юқори кўрсатгичларга эга даъвогарлар ўртасида қабул режасига биноан ўтказилиши керак.

8. Даъвогарларнинг умумий баллари тенг бўлиб қолган ҳолда қуйидаги шахслар имтиёзга эга:

— етим болалар ҳамда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар:

— кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари.

Тажриба синов лицейларига кирувчи даъвогарлар баллари тенг бўлиб қолган ҳолда Истеъдод маркази шаҳобчалари томонидан ўқувчи ақлий имкониятлари тўғрисида берган илмий хулосалари натижалари эътиборга олинади.

9. Лицей педагогик кенгаши танловдан муваффақиятли ўтган даъвогарларни қабул ҳайъати тавсиясига кўра лицейга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва муассаса директори бир ҳафта ичида даъвогарларни лицей ўқувчилари сафига киритилгани тўғрисида буйруқ қабул қилади.

10. Ўқув йили давомида оилавий ва бошқа шароитларга кўра яшаш жойини ўзгартирган турдош лицей ўқувчилари ёки айрим фанларни чуқур ўргатадиган умумтаълим мактабларининг ўқувчилари лицей педагогик кенгашининг қарори билан (бўш ўрин бўлган тақдирда) лицейга қабул қилиниши мумкин.

Умумтаълим мактабларининг XI синф ўқувчиларини лицейга қабул қилишга йўл қўйилмайди.

11. Лицейга ўқувчиларни қабул қилишнинг шакл ва услублари ҳақидаги маълумотлар муассаса раҳбарияти томонидан қабул бошланишидан 5—6 ой олдин умумтаълим мактаблари ва ота-оналарга оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Қабулни сермазмун ва унумли ўтказиш учун лицей қошида тайёрлов курслари ташкил қилиниши мумкин.

12. Узлаштириши лицей талаблари даражасида бўлмаган ўқувчилар фақат ярим йил ёки ўқув йили якунида умумтаълим мактабларига қайтариб юборилади.

13. Ўқувчиларни лицейга қабул масалаларига тегишли ота-оналар ва ўқувчиларнинг хат ва шикоятлари лицейнинг қабул ҳайъати таркибидаги аппеляция ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ГИМНАЗИЯЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. УМУМИЙ ҚИСМ

Гимназия — иқтидорли ўқувчиларга 1-XI синф ҳажмида барча умумтаълим фанларини давлат таълим мезонларига нисбатан кенгайтирилган ҳолда билим берадиган умумтаълим муассасадир.

Гимназиянинг моддий-техника базаси ва кадрлар билан таъминланганлигига қараб ўқувчиларнинг хоҳиш ва истаклари бўйича II ва III босқич таълимида йўналишли билимлар (педагогика, иқтисод, адабиёт, санъат, мусиқа ва бошқалар) берилади.

Гимназиянинг биринчи синфига муассасада белгиланган мезон талабида тузилган танлов асосида ўқувчилар қабул қилинади.

II. ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги гимназияларга (биринчи навбатда шу худудда яшовчи) мактаб ёшига етган ўқувчилар қабул қилинади.

2. Қабул қилувчилар ижтимоий келиб чиқиши, жинси, тили, миллати ва эътиқодидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидир.

3. Гимназияларга кирувчиларнинг ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— туғилганлик ҳақида гувоҳномаси;

— даъвогарнинг соғлиғи тўғрисида далолатнома:

— ота-онасининг яшаш жойидан маълумотнома.

3.1. Хорижий давлатлар фуқаролари фарзандларининг ҳужжатларини қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибларда амалга оширилади.

III. ҚАБУЛ ТАРТИБИ

4. Гимназиянинг қабул ҳайъати даъвогарларнинг ҳужжатларини ўқув йили тугаганидан сўнг қабул қилади. Қабул синовлари (суҳбат ва бошқа синовлар) қабул ҳайъатининг туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишиб тасдиқлаган жадвали асосида 10-30 июнь ва 5-20 август кунлари ичида ўтказилади.

5. Гимназиянинг қабул ҳайъати томонидан тузилган танловнинг шакл ва услублари (алоҳида йўналишлар бўйича оғзаки синовлар, конструкциялаш, нутқ, ритмика, оддий математик ҳисоблар ва бошқалар) ва уларнинг мазмуни туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишилган ҳолда гимназия директори томонидан тасдиқланади.

6. Даъвогарларни гимназияга қабул синовлари мазкур муассасада ўқиш олиб бориладиган тилда ўтказилади.

7. Даъвогарларни гимназияга қабул синовлари (суҳбат ва бошқалар)да тўплаган умумий баллари бўйича қабул қилинадилар. Уларнинг билимини баҳолаш мезони қабул ҳайъати томонидан белгиланган 5 ёки кўп балли тизим асосида ўтказилади.

8. Даъвогарларнинг умумий баллари тенг бўлиб қолган ҳолда қуйидаги шахслар имтиёзга эга:

— етим болалар ва ота—онасининг қаровисиз қолган болалар;

— кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари;

— гимназия жойлашган ҳудудда яшовчи болалар.

9. Гимназия қабул ҳайъати танловидан муваффақиятли ўтган даъвогарларни гимназияга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва муассаса директори педагогик кенгаш қарорига кўра бир ҳафта ичида даъвогарларни гимназиянинг биринчи синфига киритилгани тўғрисида буйруқ қабул қилади.

10. Ўқув йили давомида оилавий ва бошқа шароитларга кўра яшаш жойини ўзгартирган турдош гимназия ўқувчилари ёки фанларни чуқур ўргатадиган умумтаълим мактабларининг ўқувчилари (IX, X ва XI синфдан ташқари) гимназия педагогик кенгашининг қарори билан (бўш ўрин бўлган тақдирда) гимназияга қабул қилиниши мумкин.

11. Гимназияга ўқувчиларни қабул қилишнинг шакл ва услублари ҳақидаги маълумотлар муассаса раҳбарияти томонидан қабул бошланишидан 7-8 ой аввал мактабгача тарбия муассасалари ва ота-оналарга оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Қабулни сермазмун ва унумли ўтказиш учун мактабгача тарбия муассасалари билан ҳамкорликда тайёрлов курслари ёки ота-оналарга маслаҳат кенгашларини ташкил қилиш мумкин.

12. Ўқув йили давомида гимназиянинг 1-синфига ўқувчиларни қабул қилишга йўл қўйилмайди. Гимназия талабидаги билимга эга бўлган, айрим соҳалар бўйича истеъдодли ўқувчиларини II-VIII синфларига қабул қилиш (бўш ўринлар бўлган тақдирда) фақат ўқувчиларнинг ёзги таътиллари вақтида қабул ҳайъати томонидан амалга оширилишига йўл қўйилади.

13. Узлаштириши гимназия талабида бўлмаган I-IV синф ўқувчиларини мактабларига қайтариб юборишга йўл қўйилмайди. Узлаштириши гимназия талабларида бўлмаган V-IX синф ўқувчиларини умумтаълим мактабларига қайтариб юбориш чуқур ўрганилаётган соҳа мутахассислари ва педагоглар хулосаларига кўра, ўқувчи келгусида ўқийдиган умумтаълим мактаби билан келишган ҳолда гимназия педагогик кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

14. Ўқувчиларни гимназияга қабул масалаларига тегишли ота-оналарнинг хат ва шикоятлари гимназиянинг қабул ҳайъати таркибидаги аппеляция ҳайъати томонидан ўқув йили бошлангунга қадар кўриб чиқилади.

ЯНГИ ТУРДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ ҲАҚИДА ЙЎРИҚНОМА

1. Янги турдаги таълим муассасаларининг қабул ҳайъати ҳар йили муассасанинг йўналиши ва соҳаларига қизиққан ва уларга мойиллиги бўлган ўқувчиларни қабул қилиш мақсадида тузилади.

2. Қабул ҳайъати ўз фаолиятини янги турдаги таълим муассасасига (лицей, гимназия) қабул қоидалари талабларига биноан олиб боради.

3. Қабул ҳайъати зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

3.1. Ўқувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида янги турдаги муассаса фаолияти ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш, муассаса ҳақида турли хилдаги маълумотларни нашр қилиш ва оммалаштириш:

3.2. Фанлар бўйича ўтказиладиган танловлар (тест, суҳбат ва бошқалар) олдидан мутахассислар маслаҳатларини ташкил қилиш;

3.3. Ҳужжатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва сақлаш, даъвогарларни танловга қўйиш ҳақида қарор қабул қилиш;

3.4. Даъвогарлар танловини ўтказиш ва синовлардан муваффақиятли ўтганларини ўқувчилар сафига қабул қилиш ҳақида муассаса раҳбариятига таклиф киритиш;

3.5. Фанлар бўйича имтиҳон ҳайъатини ташкил қилиш ва улар фаолиятини назорат қилиш ва йўналтириб бориш;

3.6. Қабул якунларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва муассаса педагогика кенгаши муҳокамасига киритиш.

4. Қабул ҳайъати аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини янги турдаги таълим муассасаларига қабул қоидаларини бажарилишига масъул бўлган муассаса директори ҳамда ушбу ҳайъат раиси белгилайди.

Педагоглар жамоасидаги тажрибали ва малакали ўқитувчилардан қабулни ўтказиш даври учун қабул ҳайъати котиби тайинланади.

5. Қабул ҳайъатининг ишлари белгиланган тартибга расмийлаштирилиб ҳайъат раиси ва котиби томонидан тасдиқланади.

6. Фанлар бўйича имтиҳон ҳайъати раиси, муассасанинг малакали ходимлари ва таклиф қилинган мутахассислар (логопед, руҳшунос, тиббиёт ходимлари ва бошқалар)дан иборат аъзолари муасаса директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

7. Танловни ўтказиш жадвали муассаса директори томонидан тасдиқланади. Танлов (ёзма, оғзаки, тест ва бошқалар) бир гуруҳда бир кунда фақат битта фан бўйича ўтказилиши керак.

8. Танловнинг шакли, услублари (оғзаки ёки ёзма имтиҳон, тест, суҳбат ва бошқалар) ва уларнинг мазмуни муассасаси методик кенгаши томонидан тузилади ҳамда директор томонидан тасдиқланади.

9. Ёзма ишлар матни (диктант ёки баён) умумтаълим мактаблари учун белгиланган мезон асосида бўлади ва директор томонидан тасдиқланади.

10. Гимназияларга танловни ўтказишда ўқувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиб 3-4 кунга режалаштирилган жадвал асосида 4-5 кишилик гуруҳ шаклида ўказилади. Лицей ва айрим фанлари чуқур ўргатадиган мактабларда бу гуруҳлар 20-25 кишидан иборат бўлиши мумкин.

11. Танловни ўтказиш жараёнида қабул ҳайъати раисининг рухсатисиз танловга алоқадор бўлмаган кишиларнинг иштирок этиши таъқиқланади.

12. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари (гимназияларда) ва муассасанинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб танлов ҳайъати аъзолигига логопед, руҳшунос, тиббиёт ходими ва малакали ўқитувчилар киритилиши лозим.

Танлов оғзаки шаклда ўтадиган тақдирда танлов ҳайъати аъзолари 2 киши, ёзма шаклда ўтадиган бўлса 3 кишидан иборат бўлиши керак.

Тест синовларида эса техника воситаларидан унумли фойдаланилган ҳолда 2 кишидан иборат имтиҳон ҳайъати аъзолари бўлиши лозим.

13. Танловда ўқувчилар билимига қўйиладиган баҳо мезонлари (100 ва бошқа балл тизими) қабул ҳайъати томонидан белгиланади.

Даъвогарларнинг танловда кўрсатган натижалари баҳолар жадвалига ёзилади ва имтиҳон ҳайъати аъзолари томонидан тасдиқланади.

14. Ёзма имтиҳон ишлари ҳамда оғзаки имтиҳонга тайёрланиш бўйича варақалар муассасанинг 4 бурчакли штампи билан муҳрланган бўлиши шарт.

Муҳрланган варақалар имтиҳон ҳайъати аъзоларига берилгунга қадар масъул котибда сақланади ва қатъий ҳисобда туриши лозим.

Текширилган ишлар ва оғзаки имтиҳондан фойдаланилган варақалар, электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ўтказилган тест синов натижаларининг дискетларини сақлаш учун жавобгар шахс масъул котиб ҳисобланади.

15. Ёзма ишни белгиланган вақтда бажара олмаган ўз ишларини тугалланмаган ҳолда имтиҳон ҳайъатига топширадилар. ЭҲМда ўтказилган тест синовларида ҳам белгиланган вақтдан сўнг даъвогарлар имтиҳон хоналарини бўшатишлари шарт.

16. Ёзма иш натижалари имтиҳон ҳайъати аъзолари томонидан фақат ўқув муассасасида белгиланган хоналарда текширилади.

17. Имтиҳон олувчилар томонидан қўйилган баҳо баъзи сабабларга кўра ўзгартириладиган бўлса имтиҳон ҳайъати раиси томонидан имзоланиши ва қабул ҳайъати қарори билан тасдиқланиши шарт.

18. Танловда муваффақиятли ўтган даъвогарларнинг ёзма ишлари уларнинг шахсий ҳужжатлари жилдида сақланади.

19. Танловдан ўта олмаган ўқувчиларнинг ёзма ишлари ва бошқа имтиҳон материаллари ўқув йили бошланганидан 6 ойгача ўқув муассасасида сақланади.

20. Танловда олинган ёзма ишлар ва уларни текшириш учун берилган вақт умумтаълим мактабларида белгиланган тартибда юритилади.

Махсус ва бошқа фанлардан ўтказиладиган ёзма ишлар, тест синовлари ва суҳбатлар учун вақтни ўқув муассасаси туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишилган ҳолда белгилайди.

Мутахассислар (логопед, руҳшунос ва малакали ўқитувчилар) билан ўтказиладиган суҳбат, конструкциялаш ва бошқа топшириқлар ҳамда оғзаки имтиҳонлар учун ажратилган вақт 5-15 минут қилиб белгиланади.

21. Қабул ҳайъати раиси, котиби ва ҳайъат аъзоларига муассасанинг маошлари фонди доирасида қўшимча ҳақ берилади. Қўшимча ҳақ миқдори туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишилган ҳолда муассаса директори томонидан белгиланади.

22. Танловни қайта топширилишига йўл қўйилмайди. Дастлабки танловда муассасада (фақат лицейда) белгиланган мезон талабларидаги кўрсаткичларга эга бўлган ҳамда имтиҳонга узрсиз сабаб билан келмаган даъвогарлар кейинги танловга киритилмайди.

23. Танлов натижаларидан норози бўлган даъвогарлар ёки уларнинг ота-онлари (уларнинг ўрнини босувчилар) қабул ҳайъатига белгиланган муддатда арз қилишлари мумкин.

Аризаларни кўриш вақтида қўшимча саволлар берилишга йўл қўйилмайди.

Ариза (аппеляция) бўйича олиб борилган иш натижалари норозилик билдирилган куннинг эртасигаёқ даъвогарларга маълум қилинади.

24. Қабул ҳайъатининг даъвогарларни ўқувчилар сафига қабул қилиш ҳақидаги қарори таълим муассасаси директорига тегишли буйруқ қабул қилиш учун берилади.

Қабул ҳайъатининг қарорига асосан, муассаса директори танловдан ўтганларни ўқувчилар сафига қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқаради.

Қабул қилинганлар руйхати ота-оналар ва ўқувчиларга ёзма равишда эълон қилинади.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БОШ БОШҚАРМАСИ.

МАЪНАВИЯТ ДАРАХТИ БАРГ ЁЗДИ

Балки сарлавҳани ўқиб ажабланаётгандирсиз. Чунки баҳорда турфа хил дарахтлар барг ёзади. Аммо маънавият дарахтининг барг ёзганини эшитганмисиз?

Унда эшитинг. Чортоқ шаҳар халқ таълими ходимлари ва ўқувчилар шоир Ж. Раҳим кўмагида маънавият дарахтини бунёд этишди.

Наврўзи олам арафасида эса бу дарахт илк бора барг ёзди. Ижодкор Ж. Раҳим ташаббуси билан шу куни ўқувчилар «Маънавият» дарахтига шоирнинг «Садоқат», «меҳрибонлик», «билимлилик» каби қатор баргларини илиб, саҳнада янги, миллий ўз дарахтларини яратишди. Энди бу дарахт мактабларда «Маърифат ва маънавият» дарсларини ўтишда кўмак бўлади. Чунки бу дарахтда маънавиятнинг асослари барг ёзган. Сиз ҳам шу ерда бўлганингизда эди, беихтиёр «қойил-э» деган бўлардингиз. Чунки бу ишлар шаҳар халқ таълими жонкуярларининг ижодий изланишларидан бир шингил холос.

Мен тадбирдан сўнг шаҳар халқ таълими бўлими мудири А. Раҳматов билан суҳбатлашиб, шундай хулосага келдим.

— Ҳар бир мактабда «Маърифат ва маънавият» хоналари ва соатлари ташкил қилганмиз. Ҳафтанинг маълум кунларини ҳар бир ўқув маскани маънавият куни деб эълон қилган. Мисол учун 10-ўрта мактабда жума кунини шундай кун деб белгилаганмиз, — дейди у киши суҳбат чоғида.

Бу хил тадбирларни ташкил этиш ўз йўлига, аммо таълимдан асосий мақсадимиз нима? Билимли ва зукко йигит-қизларни тарбиялаш эмасми?

Хўш, бу борада шаҳар миқёсида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Бу саволга А. Раҳматов қуйидагича жавоб берди: «Биз ҳар бир мактабда муаллимларни билимларини синовдан ўтказиб бораяпмиз. Натижага қараб энг яхши ўқитувчиларга қўшимча иш ҳақи жорий қилганмиз. Бу йил ҳам ана шундай синов бўлиб ўтди. Унга кўра 10-мактабдан М. Фозилова, Т. Муҳиддинова, 9-мактабдан М. Жўрабоева, Ф. Нуритдинова, 1-мактабдан Р. Мирзараҳимова, И. Мирзаабдуллаев, 6-мактабдан М. Жўрабоевлар яхши кўрсаткичга эришиб, қўшимча иш ҳақи олишаяпти.

Ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишини ортириш учун ҳам бир қатор ишлар қилаяпмиз. Мисол учун барча мактабларда кўп балли рейтинг тизимига ўтилганлиги бунга яққол исбот бўла олади. Натижа ёмон бўлмаяпти. Аввалгига қараганда давомат ҳам, ўзлаштириш ҳам анча ўсди. Шунинг натижасида шаҳар халқ таълими вилоятда 3-ўринни эгаллаб турибди. Собиқ муаллимларни ҳам ҳар йили йўқлашни анъанага айлантириб олганмиз. Бу йил жами 140 нафар ана шундай кекса муаллимларни зиёфатга таклиф этдик. Бир қатор муаллимларимиз республика Халқ таълим вазирлиги томонидан тақдирланишди. 9-мактабдан Ф. Акбарова, 8-мактабдан Р. Холбоевалар яқинда Ўзбекистон халқ таълими аълочиси деган шарафли номга сазовор бўлишди.

Шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи А. Раҳматов ва шу шаҳар халқ таълими услубчиси И. Отавалиевлардан шу кунлардаги мактаб кутубхоналарининг аҳволини сўраганимда, — «Яқинда кутубхоналаримиз бўшаб қолган эди. Сабаби аксарият китоблар собиқ шўро замонига мўлжалланган эди. Уларни ўрнини эса ота-оналар, ҳомий ташкилотлар ва ўқувчилар ёрдамида бойитиб бораяпмиз. Баъзилари эса маблағ билан ҳам кўмаклашиб туришибди», мазмунидаги жавоб олдим.

Қисқаси шаҳар халқ таълимидаги ўзгаришлар, янгиланишлар балки сизга эриш туюлар, балки сизга одатий туюлар. Яхшиси, хулосани ўзингиз чиқаринг. Бунинг учун эса Чортоққа бир ташриф буюрсангиз кифоя. Айтишадику, «Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал», деб.

Х. АБДУРАҲМОНОВ.

Huquqiy bilimlarni o'rganamiz

Бу муаллима сурхондарёлик, Узун туманидан. 20-ўрта мактаб ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси. Исми-шарифи Мавлуда Абилфайзиева. Дарс мавзуси IX-синфга мўлжалланган бўлиб, «Вояга етмаганлар ўртасида содир бўладиган жиноятлар» деб номланади.

Саҳна дарси. Очиқ суд мажлиси. Суд кетаяпти. Жиноят учун жазо белгиланадиган, яъни ҳукм чиқариладиган кун.

Дарснинг боришига сиз ҳам гувоҳ бўлинг. Ўқиб кўринг, бу иш тажрибаси балки сизга ҳам маъқул келар. Унда кузатувчилар — мактаб директори, директор ўринбосари, бир неча ўқитувчилар ҳам иштирок этишган. Суд раиси, суд маслаҳатчилари, котиб, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар, оқловчи, қораловчи вазифаларини бажарганларнинг барчаси ўқувчилар. Ҳа, ҳайрон бўлманг, бу саҳна дарси.

Очиқ суд мажлиси ўтаётган хона туман халқ судининг биносида.

Дарснинг материал билан таъминланишига туман халқ суди ва прокуратураси яқиндан ёрдам берган.

ДАРСДА ОЧИҚ СУД МАЖЛИСИ

Суд раиси Аюбхон Қосимов иштирокчиларни воқеа тафсилоти билан таништиради:

— Бугун Узун туман халқ судининг жиноий ишлар бўйича очиқ суд мажлиси ўз биносида, 1979 йилда Узун тумани Жончекка қишлоқ советида туғилган, бўйдоқ, Бури Очилдиев жамоа хўжалигининг 6-бригадасида колхозчи бўлиб ишловчи ва шу хўжаликнинг Чақар маҳалласида яшовчи, айблаш хулосаси нусхасини олган, тилхат орқали очиқликда бўлган, тани соғ Раҳмонов Рашид Қўшақович ҳамда 1980 йилда туғилган Бердиев Бобомурод Исматович ва Қурбонов Акбар Бозоровичларнинг жиноий ишини кўриб чиқади.

Айбланувчи Раҳмонов Рашидга қўйилаётган айб 1995 йилнинг 29 июнь куни кеч соат 20-21 лар чамаси содир этилган. Учала шахс қишлоқдошлари Норқуловнинг уйига ўрта мактабни битириш шарофати билан ўтказилаётган базмга таклиф этилмасалар ҳам боришади. Рашид, Бобомурод, Акбарлар ташқарида дўстини кутиб турган Менглиқулов Хуршидни туртишиб, унга шилқимлик қилишади, тан жароҳати етказишади. Жабрланувчи Менглиқулов суд тиббиёт экспертиза кўригидан ўтмаганлиги сабабли унинг тан жароҳати аниқланмасдан қолган.

Жиноят тафсилоти шундай.

Суд раиси сўзига якун ясаб, шундай дейди: «Бизнинг бугунги вазифамиз ушбу содир этилган жиноят устидан одилона ҳукм чиқаришдир. Шунинг учун судланувчи ва жабрланувчилар воқеани тўғри сўзлаб беришга ҳаракат қилишингизни сўраймиз!»

Савол-жавоб судланувчилар билан бўлиб ўтади. Биринчи судланувчи Раҳмонов савол-жавобда ўзига қўйилган айбларни тан олмайди. Иккинчи айбланувчи Бердиев эса прокурорнинг саволларига жавоб бера бошлайди. Савол-жавобдан шу маълум буладики, Бердиев воқеада иштирок этган, қурганбилганларини оқизмай-томизмай сўзлаб беради. Учинчи айбланувчи Қурбонов ҳам қилган жиноятини тан олади.

Жабрланувчи Менглиқулов Хуршидга сўз берилади. Иккинчи жабрланувчи Болтаев ҳам воқеа қай тарзда содир бўлганини ҳикоя қилади.

Прокурор, суд раиси, гувоҳлар иштирокида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида айбланувчиларнинг айблари очиқ-ойдин ошкор бўлади. Жабрланувчиларни ҳақоратлаган, тан жароҳати етказган, охир-оқибатда қутулиб кетаман деб ўйлаган шахсларнинг қилмишига яраша ҳукм чиқарилади.

Суд раиси кўпчиликнинг иштирокида ҳукмни ўқийди:

— Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 455, 457, 463, 468, 471, 473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилинди. Судланувчи Раҳмонов Р. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 277-моддаси 2-қисм Б банди билан айбли деб топилиб, шу моддага асосан, 2 йилу 6 ой озодликдан маҳрум этилсин, айбдор қамоқ муддатини ўташ учун суд залидан қамоққа олинсин ва жазони ўташ 12 март 1996 йилдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Бердиев Бобомурод ва Қурбонов А.лардан жабрланувчи учун кеттан 540 сўм ундирилсин ва улар вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига берилсин».

Ҳукм ўқилди, ижро учун муддат белгиланди.

Дарснинг ҳулосаси эса шундай. Мавлуда Абилфайзиева буни очиқ суд мажлисидан сунг шундай шарҳлайди: «Ушбу дарсимиз режа асосида, йил давомида ўтилган вояга етмаганлар ўртасида содир бўладиган жиноятлар мавзусида тузилган бўлиб, бунда синф ўқувчилари мустақил равишда воқеанинг тафсилоти билан танишиб чиққан ҳолда суд жараёнини тўлалигича ўзлари бошқариб бордилар. Ушбу суд жараёни 9-синф ўқувчилари ўртасида умуман ўрта мактаб режаси асосида ўтказилишидан мақсад ҳозирги вақтда кўпроқ 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган болалар ўртасида учраб турадиган майда безориликларнинг олдини олиш учун аввалдан тушунча беришдир. Шунингдек, уларни ҳар қандай жиноят жазоланишини, жазолашдан мақсад эса уларни қайта тарбиялаб жамиятимизга учун фойда келтирадиган шахс қилиб етиштиришдир».

Мавлуда Абилфайзиеванинг бир соатлик дарси жиноят ва унинг жазоси ҳақида ўқувчиларга маълум тасаввур берди. Ўқувчилар очиқ суд мажлисига иштирок этишиб, ўзлари учун тушунча олдилар.

Узун туманидаги 20-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Х. Йўлдошевнинг дарсга ёзилган тақризида холисона, кузатув баҳоси ётади. Зеро, Мавлуда Абилфайзиева ташаббуси билан ўтказилган бундай дарслар ҳуқуқий тарбиянинг негизини ташкил қилади. Ҳуқуқий тарбияни мактаб остонасидан бошлаш, тагзамин яратиш, албатта, муаллимларнинг ташаббускорлиги ва изланувчанлигига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ш. ҲАСАНОВА,
Республика Таълим маркази маънавият ва қўшимча таълим бўлими етакчи методисти.

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 1-катталар таълим марказида таълим билан бирга касб сирлари ҳам ўргатилмоқда.

СУРАТДА: муаллима Кўпайсин Аҳмедова шогирдларини тикувчилик сирлари билан таништирмоқда.

Cho'lpon tavalludining 100 yilligiga

Вазирлар маҳкамасининг Чўлпон таваллудига бир аср тўлишини нишонлаш ҳақидаги махсус қарори маънавий олами бут, софдил жамоатчилик қалбига алоҳида қувонч бағишлади, буюк аждодларимиз меросларига яна, қайта-қайта мурожаат қилиш имкониятини берди. Бу бизга истиқлолимиз бахшида қилаётган улуғ ва бебаҳо неъматдир...

Шу вақтгача Чўлпон ҳақида телерадиода, газеталарда қатор мақолалар, суҳбатлар эълон қилинди ва бу иш ҳамон давом этмоқда. Савол туғилади: Чўлпон ҳақида нима дейиш мумкин? Бу асли оддий саволга ўхшайди, аммо унга бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Негаки, шу вақтгача Чўлпон ҳақида (кейинги бир-икки йил ичида) нималар ёзилган бўлса, асосан ижобий фикрлар баён қилинди. Деярли ҳамма ёзилганлар (савиясидан, қарашларидан қатъи назар), асосан ижобий ҳодиса сифатида майдонга келганлиги билан қувонтиради. Айримларида такрорлар, зиддиятли фикрлар ёки меъёрига етмаган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас... Албатта биз ҳам Чўлпондек буюк бир сиймо ҳақида бошқалардан ортиқ ва мукаммал маълумот беришга даъво қилмаймиз, негаки, Чўлпон ижодини бир неча ўнлаб мавзуларга, муаммоларга таяниб ўрганиш ва ҳар бири учун тўла асослар топиб шарҳлаш мумкин. Бу жуда мураккаб жараён.

Яна бир муаммо: Чўлпон XX асрнинг 10-йилларида адабиётга кириб келган бўлса, ўша даврдан ҳозиргача тадқиқотчиларга мавзу беради, баҳслар уйғотади, шу билан қарийб бир асрга яқин давримизнинг адабий манзарасини яратиб кетгандир. Унинг шеърияти, драмалари, насрий асарлари, таржималари, тақризлари, публицистик ва назарий асарлари — ҳаммаси бир эмас, бир неча тадқиқотларга замин бўлади. Худди шу хилма-хиллиги, серқирралиги, бой хазиналиги билан, дардли, аламли изтироблари, қувончларию, зиддиятлари билан унинг асарлари ҳаётнинг ўзгинасидир ва чексиз-чегарасиз муаммолари билан бирор қолипга сиғмайди... Айни шу фазилатлари билан унинг асарлари ҳаётни ҳаққоний равишда бадиий акс эттира олган реалистик асарлар сирасига киради...

Бироқ айрим оммавий ахборот воситаларида Чўлпон ва унинг ҳамфикр сафдошлари — Фитрат, Абдулла Қодирийлар сингари шахслар ижодига баъзан анча-мунча жўн, ёки нописанд ёндошиш, ҳамон очиқдан очиқ камситиш ҳоллари, баъзан эса нотўғри шарҳлаш, баҳолашлар ҳам учраб турибди... Номлари тилга олинган уч сиймони бир-биридан ажратиб бўлмайди, уларнинг дунёқарашларида, ўзаро шахсий муносабатларию бутун ҳаётий ва ижодий фаолиятларида муштараклик жуда аниқ мавжуд бўлган, шахсий ҳаётда ҳам бир-бирларини шахсан ҳурмат-иззат қилганлари ҳақида қўлимизда аниқ маълумотлар, манбалар анчагина. Бу билан демоқчимизки, уларнинг бирларига берилган баҳо ҳамиша иккинчиларига ҳам тегишли бўлиб чиқаверади. Шу жиҳатдан қараганда гоҳо улар ҳақида гап кетганда «ижодларини замонавийлаштириш керак эмас, бу борада гуруҳбозлик қилиш керак эмас» қабилида фикрлар ҳам айтилмоқда. «Гуруҳбозлик» деганда нималар кўзда тутилганини билмаймиз, аммо замонавийлаштиришни қандай тушуниш кераклигига ҳамон тушуна олмаймиз. «Замонавийлаштириш» мусиқа санъатида классик куйларнинг бузилиши тарзида англашилиб келинарди ва айрим композиторлар «бизнинг мусиқамизни юз йилдан кейин тушунасизлар» деб даъво қилганларини ҳам биламиз. Мазкур мақоламизда Чўлпон меросига муносабат ва унинг бугунги аҳамияти устидагина қисқача тўхташни ният қилдик. Бошқа муаммолардан кўра ҳозир шу мавзу долзарб кўринди бизга...

Энди бир юқоридаги «танқидий» мулоҳазага кўра Чўлпон шеъриятини айни замон воқелиги билан ҳамоҳанглигига бир назар ташлайлик-чи, нима чиқаркин. Аввало Чўлпоннинг мана бу сатрларига бир эътибор қилайлик:

Бошқада қанот бор, кўкка учадир,
Шохларга кўнадир, боғда яйрайдир.
Менда-да қанот бор, лекин боғланган,
Боғ йўқдир, шох йўқдир, қалин девор бор.

ОҲИМНИНГ ЎТИДАН ЧИҚҚАН ШУЪЛАЛАР...

Нима учун танларингда бўриларнинг қорни тўқ?
Устимга-да бало тоғи йиқилган?
Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?
Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?

ва ҳоказо...

Мазкур сатрлар 1925 йилда нашр этилган «Адабиёт дарслиги»да эълон қилиниб Чўлпон бошига маломат тошлари ёғдиришга сабаб бўлган эди. Ўйлаб қаранг: шу сатрлар эълон қилинганда Туркистонда қандай фожиалар рўй бермоқда эдию унинг айбдорлари кимлар эди? Бу давр-шўроларнинг Марказий Осиё халқлари бошига кулфатлар ёғдираётган, чексиз-чегарасиз қон тўкиб, босқинчилик сиёсатини ўрнатаётган, Фитрат ибораси билан айтилганда «коммунизм зўрлаб тиқиштирилаётган» бир давр эди. Ана шу сиёсат натижалари юртимизда ҳаммамизнинг қанотини қайирган, оёқ-қўлларини кишанлаган, халқимиз-миллатимизнинг гуллари «босмачи, халқ душмани, миллатчи» сингари уйдирма тамғалар остида қириб ташланаётган-хунрезлик авжга чиққан йиллар эди. Чўлпон ва унинг ҳамфикр сафдошлари бутун ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб айни ҳаёт фожиаларини жасорат билан очиб ташламай туролмасдилар, бундай фожиалар уларнинг қалбларини ўртар, вужудларини кемирар, дард аламларини изҳор этмай қўймас эди, зеро уларда эл-юрт дарди бор, ўз ватани, халқи, миллати тақдирига лоқайдлик қилолмас, томошабин бўлиб туриш каби палид одатлар уларда ҳеч қачон бўлган эмас эди...

Ана энди шу ўринда бир муҳим нуқтага эътибор берайлик — бу гапларнинг ўтганига-ку, етмиш икки йил бўлибди. Бугун уни эслаш нега керак бўлиб қолди? Кечагина Москвада Россия компартияси тарафдорларининг анжумани бўлиб, унда партия бошлиғи Зюганов «биз ҳаётда ленинча турмуш тарзини тиклаймиз, бутун Россияни иш ташлашга чақирамиз, 1чи ва 9 май биз учун энг қулай кунлар, энди ҳокимиятини зўрлик билан оламиз» қабилида тап тортмай собиқ босқинчилик, шовинистик давлат тузумини тиклашга бор кучи билан уринаётган қалтис бир вазиятда Чўлпоннинг қизил империя кирдикорларини 20-йилларидаёқ астар-аврасини очиб ташлагани, унинг халқимиз бошига биринчи қадамлариданоқ не кунларни солганини таъкидлаб ўтиш муҳим эмасми? Сиртдан қараганда — мустақиллигимиз гўё бизга силлиққина — тинч турмуш яратиб берган, бозорлар очиқ, хусусий дўконлар, хўжаликлар, олди-сотти ишлари юришиб турибди, минглаб фуқароларимиз ҳайит, рўза, намоз, ҳаж сафарлари билан машғул ва ҳоказо... Аммо бу мустақилликни кўролмайдиган, бахил текинхўр, бизларнинг ҳисобимиздан юз йиллаб яйраб-яшнаб «танларимизда қорни тўқ бўрилар»дай эркин юрганлар, эски даврини ҳар кун, ҳар нафасда қўмсаб ётганини ҳаммамиз ҳам идрок этамизми? Улар солган кулфатларни буюк аждодларимизнинг маънавий, маърифий меросларини заминида ҳаммага, айниқса, ёшларга тўғри тушунтириш, билдириш, англатиш зарур эмасми?! Ёшларда мустақиллигимиз учун кураш, уни мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама кўмаклашиш ҳиссиётини шулар заминида изоҳлаб бериш — худди кино ленталари воситасида воқеликни англатишдек бир ҳол бўлса ажаб эмас...

Бирор ёзувчи, олим ёки давлат арбобини хотирлаш баҳонасида ўтказиладиган тадбирлар, йиғинлар — шунчаки, расмий бир ахборот учун эмас, балки, ундан бугунги кунимиз муаммоларини ҳал этиш воситаси сифатида, ўзимизга тегишли хулоса чиқариб олиш мақсадларини олдимизга қўямиз ва шу нуқтада маънавий меросларимизнинг бугунги аҳамияти ҳам ўз-ўзидан равшан намоён бўлади. Агар шундай мақсад бўлмаса, ўтмишга мурожаатнинг аҳамияти ҳам бўлмайди. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон тарихини янгидан яратиш ҳақидаги қароридан кейин бу соҳада қизғин иш бошланиб кетгани ахборот воситаларида эълон қилинмоқда. Ахир XIX асрнинг ўрталарида юртимизга бостириб келган чор Россияси босқинчилари нақадар кўп қон тўкканлари ҳақида энди очиқ айтилаётганини ҳозир бутун дунё билиб турибди. Аҳвол шую то 1991 йилгача босқинчиларни бизга маърифат, маданият олиб келганлар тарзида изоҳлаб келинди. Кейин эса, шўролар чор босқинчиларини қоралаб, бизга хўб қуруқ ваъдалар бериб баттарроқ босқинчилик қилди. Ана энди, худди шу ерда яна бир нозик нуқтага дуч келамиз: Чўлпон ва унинг ҳамфикр сафдошларининг дунёқарашларидаги зиддиятлар масаласи. Буюк аждодларимиз — Чўлпон, А. Қодирий, Фитрат ва бошқалар тарихни ғоят чуқур билган. Дунё воқеаларидан хабардор бу сиймолар — бобомиз Амир Темурдан кейинги тожтахт талашлар, ўта қалтис зиддиятлар туфайли буюк Турон давлати емирилиб, Марказий Осиёда майда хонликлар пайдо бўлиши, улар ўртасидаги келишмовчиликлар, гуруҳбозликлар оқибатида тараққиётнинг орқага кетиши, ички урушлар, мол-дунё, амал талашлар, ниҳоят бутун хонликлардаги биқиқлик эл-юртни вайрон қилгани, халқимиз бошига ғоят даҳшатли кулфатлар келтирганини яхши англар эдилар. Шўролар эса айни шу ҳолларни эслатиб туриб, мустақиллик, сўз ва матбуот эркинлиги, ерсизга ер, ишсизга иш бериш каби энг ёқимли шиорларни ўртага ташлади, пуч ёнғоққа қўйинини тўлдириб ҳаммани алдади. Биргина бизда эмас, бутун Россияда, ҳатто жаҳоннинг турли бурчакларидаги афкор оммани ҳам чалғитди, эргаштирди, ниҳоят ҳокимиятга келди ҳам. Худди шу кундан бошлаб унинг қонхўрлиги, босқинчилиги, ёлғончилиги кун сайин, соат сайин очила борди. Ўша очилгунча ташлаган шиорлари, ваъдалари, чор босқинчилигидаги шовинистликларни қоралаши — кўплаб зиёлиларимизни ишонтирди. Уларнинг гўё кўнгилларида қайнаб ётган дардларига даво топилгандай бўлди. Шу йўсин, улар (Чўлпон, Фитрат, А. Қодирий ва бошқалар) дастлаб шўрога катта умид боғладилар. Орзуларини рўёбга чиқарувчи ҳокимият деб билдилар. Унинг шиорларини қўллаб-қувватлаб асарлар ёздилар...

Аммо кўп ўтмай «сўз эркинлиги»га ишониб бўлса керак, воқеаларга танқидий муносабат билдира бошлайдилар. Баъзан ошкора норозилик, ҳатто исён руҳидаги асарлар ёзиб юборадилар... Энди бу ҳолатларнинг ҳаммаси асли ўшалар яшаган давр ойномасининг ўзгинаси-ку! Худди шу руҳ уларнинг асарларига реалистик сифат бермайдими?! Агар улар бир вақт шўроларни мақтаган, ёқлаган, кейин қоралаган бўлса, орадан етмишсаксон йил ўтгач, уларни жавобгар қилиш керакми? Ахир раҳматликлар, тириклигида амал, мансаб, унвон, мукофот, машина, дача эмас — лоақал бир оғиз ширин сўз эшитолмасдан, бошларини гаровга қўйиб ишлай-ишлай, эл-юрт дарди билан куйиб-ёниб оламдан ўтган, йўқ, ўтган эмас — қатл этилган бўлса-да, биз ҳозир уларнинг ёқасидан тутиб, «ҳа, етмиш йил муқаддам шўрога хизмат қилиб бундай деган эдингиз, энди қалайсиз? Қўлга тушдингиз-ку?!» деб ёқасидан олсак, тўғри бўладими? Инсофдан бўладими? Агар шу йўлдан борилса, айтиш мумкин бўлган гапларга илонлар пўст ташлайди-ку! Йўқ, маънавий меросга бу хилда муносабатда бўлиш мумкин эмас. Ҳар бир ижодий меросга баҳо беришда аввало яхши ният билан ёндошиш ғоят муҳим. Бундан ташқари яна баҳолаш-улчашда битта илмий-назарий ва энг тўғри восита бор, у ҳам бўлса — виждон тарозуси. Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга... Ахир аждодларимиздан қолган маънавий хазина — биз учун ҳамиша муқаддас бир тараққиёт заминидир. Унга ҳурмат билан қараш, улардан бугунги кунимизда кўтарилаётган муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш ҳақиқий зиёли учун энг муҳим ҳаёт тарзи бўлиб қолаверади...

Биз юқорида Чўлпон шеъриятида ифодаланган фожиалар моҳиятига чуқур кириш — айниқса, ёшларга уни тўғри тушунтира билиш ғоят муҳимлигини таъкидлаганда бир нуқтани алоҳида кўзда тутган эдик. Чўлпон, Қодирий, Беҳбудий, Фитратлар ҳаётини, ижодини ўқитиш дастурларга киритилгани учун ҳам бу мулоҳазаларга алоҳида урғу бераётирмиз. Ёшларга уларнинг ижодий фаолиятлари ҳақида тўғри билим бериш нақадар муҳимлиги маълум, бу борада чалғитиб қўйиш эса, уларга маълумот беришдан кўра маълумотсизлик ҳиссиётини шакллантириб қўйиш хавфини туғдириб қўйиши мумкин... Дунёқарашлардаги зиддиятлар — айни ўшалар яшаган давр воқеаларининг ҳаққоний акс эттирилиши тарзида шарҳланса, тўғри бўларди. Негаки, Чўлпоннинг 20-йиллардаги воқеаларга берган узил-кесил баҳосини аниқ ифода этган мана бу сатрларни — шоир ижодиётининг барча қирраларига хос хусусият деса бўлади:

Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар,
Шарқнинг кўкрагида бир жой топмасми?
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар
Ухлаган дилларга силжиб оқмасми?
Айталар бу тунда ёруғ шам ёнмас,
Чақмаса гугуртни асл ўғлонлар!..

Аҳмад АЛИЕВ.

ҲУНАР — ДУНЁ БЕЗАГИ

Ҳунар эгаларининг ҳеч қачон «нони яримта» бўлмаган. Чунки ҳунар-ҳалол меҳнат, ҳалол ризқдир. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир ота-она фарзандининг бирон-бир ҳунар эгаси бўлишини истайди.

Тошкент индустриал педагогика техникумида сабоқ олаётган 800 нафар талаба ёшларнинг ота-оналари ҳам ўз жигарбандларини касб-ҳунар урганишга йўллай туриб шундай эзгу ҳисларни кўнгилдан кечирган бўлса ажабмас...

Республикамиздаги 3 та индустриал педагогика техникумларидан бири ҳисобланган бу ўқув даргоҳида замон ва техника тараққиёти учун сув билан ҳаводек зарур бўлган бир қатор касб-ҳунар эгалари тайёрланади. «Машинасозлик корхоналарида жиҳозларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш», «Материалларга дастгоҳларда ва автоматик мажмуаларда ишлов бериш», «Бино ва иншоотларни қуриш ва ишлатиш», «Тикувчилик ишлаб чиқариш», «Маиший хизмат кўрсатиш техникасини таъмирлаш», «Электр-газ пайвандчиси» каби бўлимлар ҳамиша ёшлар билан гавжум.

Бўлғусси ишлаб чиқариш таълими усталари тайёрланадиган бу билим масканида ўқув-ўқитиш ишлари коллеж дастури асосида олиб борилади. Ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида ўқитишнинг фаол усулларини, замонавий техника воситаларини, илғор педагогик тажрибаларни кенг қўллашлари ўқув биносига қадам қўйишданоқ яққол сезилади. «Конструкцион материаллар технологияси», «Электротехника», «Машинасозлик технологияси», «Техник улчовлар», «Қурилиш материалларини синаш», «Ўқитишнинг техник воситалари» каби фан лабораториялари, «Саноат жиҳозларини таъмирлаш», «Техникавий механика», «Лингафон хонаси», «Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни режалаштириш», «Металлар технологияси», «Дастгоҳлар», «Машина деталлари», «Қурилиш машиналари», «Қурилиш конструкцияси», «Меҳнат муҳофазаси», «Тикув ишлаб чиқариш технологияси» каби 30 га яқин фан хоналари талабалар билим ва тушунчаларининг чуқурлашишида муҳим аҳамият касб этади.

Шуниси ҳам диққатга моликки, Тошкент индустриал педагогика техникумида амалиёт масаласига, ишлаб чиқариш таълимига алоҳида эътибор берилади. Талабалар ўқув йили давомида камида 4—5 ой амалиёт жараёнида ўз билим ва тажрибаларини мустаҳкамлаб борадилар. Улар амалиёт жараёнини билим юртининг замонавий техник асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозланган чилангарлик, токарлик, пайвандлаш, тикувчилик, хуллас, барча мутахассисликлар бўйича устахоналарида ўтказишади. Ундан ташқари, пойтахтимизнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан «Машинасозлик», «Тракторсозлик», «Экскаваторсозлик», «Фотон» заводларида, «Бошкент-ҚурилиШ», «Тошкентўқурилиш» бирлашмаларида, «Қизил тонг, «Ўзбекистон» тикувчилик фирмаларида касб сирларини мукаммал эгаллаш учун технологик амалиёт ўтказишади. Шунинг учун ҳам бу билим юртини битириб чиққан мутахассисларга республикамизда талаб жуда катта. Чунки улар ўз касбларининг моҳир устаси, шу билан биргаликда яна бир нечта қўшимча касбларнинг эгаси ҳамдир.

Ҳозиргидек бозор иқтисодиёти шароитида Тошкент индустриал педагогика билим юртида моддий базани мустаҳкамлаш учун ҳам ўрнак бўларли анчагина ишлар қилинаётир. Билим юрти устахоналарида талабалар усталар раҳбарлигида талаб ва эҳтиёж кучли бўлган 2М—112 маркали вертикал пармалайдиган дастгоҳдан ҳар йили 20—30 та ишлаб чиқаришмоқда. Бу маҳсулот сифат жиҳатидан йирик давлат корхоналарида чиқарилган маҳсулотдан қолишмагани учун ҳам жуда харидоргир бўлмоқда. Ундан ташқари, билим юрти талабалари қўли билан ишланаётган 10 дан ортиқ ҳар хил халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотлар ҳақида ҳам юқоридаги фикрни айтиш мумкин. Булардан тушган маблағ билим юрти моддий базасини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда.

Бу билим даргоҳида талабалар учун яратилган шарт-шароитлардан тортиб, амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларнинг ҳар бири ҳақида, уларнинг намунавий жиҳатлари ҳақида истаганча гапириш мумкин. Асосийси, Тошкент индустриал педагогика техникуми ўқитувчилар, усталар ва талабалар жамоасининг яратиш, ҳаётимизни гўзаллаштириш, мукаммаллаштириш йўлидаги интилишлари, изланишлари...

Тошкент индустриал педагогика техникумидан қайтар эканман, ҳунар ўрганишдек ва ўргатишдек эзгу ишга бел боғлаган бу жамоа ҳали оламшумул ишлар қилишига ишондим. Зеро, шоир бекорга айтмаган ахир:

«Бу дунёни обод этгувчи ҳунар,
Ҳунарнинг олдида ҳасдир олтин-зар».

Зубайда УСМОНОВА.

Ta'lim fidoyilari

МЕҲМОН ЎЗИ, МЕЗБОН ЎЗИ

Инсон борки, ширин сўзнинг гадоси. Шунинг учун ҳам «Ширин сўз билан илон инидан чиқади», деб бежиз айтишмаган. Муаллимнинг ҳам гарданида энг аввало ширин сўз бўлишлик, туради. Чунки мактаб ишида йигит ва қизларнинг қалби нозик бўлади. Уларнинг қалбига йўл топа билишлик, таълим беришда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Биз бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ана шу масъулиятни шараф ила адо этиб, айни дамда 55 баҳорнинг ҳам меҳмону ҳам мезбони. У киши Чиноз туманидаги сиҳатгоҳ мактаб-интернат директори Мираҳмад ака Давроновдир. Мираҳмад ака раҳбарлик қилаётган мактаб-интернат бошқаларидан бироз фарқланади. Фарқи шуки, бу ерда нафақат ўқувчиларга илм берилади, балки биринчи галда меҳр улашмоқ ҳам фарз, ҳам қарз. Чунки ушбу интернат бир вақтнинг ўзида сиҳатгоҳ вазифасини ҳам ўтайди.

Бу илм даргоҳи эл назарига тушган. Албатта, бунда раҳбар, халқ маорифи аълочиси Мираҳмад аканинг хизматлари беқиёс. У киши ўз фаолиятини 1959 йили оддий ишчиликдан бошлади. Муаллимликка ҳавас у кишини 1965 йили олий билимгоҳнинг тарих куллиётига етаклади. Институтни тамомлаб яна қизғин иш фаолиятига шўнгиб кетди. 1982 йили мактаб-интернатга келганданоқ ишбилармон ва тиришқоқлик хислатлари намоён бўлди. Жамоада ҳурмат-эътибор, тартиб-интизом янада жонлангандек бўлди. Уларни-ку қўятуринг, ёрдамчи хўжалик ишлари ҳам мақтаса арзигулик. 25 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Чорва маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳам қисман йўлга қўйилган. Бу ишларнинг бошида қаҳрамонимиз Мираҳмад ака Давронов маслаҳатгўй, ғамхўр раҳбар. Шу важдан у кишини нафақат мактаб жамоаси, балки маҳалла-кўй, ёр-биродарлар ҳам ҳурмат қилишади. Ушбу қутловни уларнинг барчаси номидан тўйхат ўрнида қоғозга қораладим.

Х. АБДУРАҲМОНОВ.

1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ДУНЁСИ.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Бола тимсолида ҳамиша жамият, давлат ҳамда инсоният дунёси келажаги гавдаланади. Уларга бўлган эътибор даражаси эса ҳар доим ҳам маълум бир мамлакат ёки миллатнинг умрибоқийлигини таъмин этувчи ягона мезон бўлиб келган. 1 июнни жаҳон болаларини ҳимоя қилиш куни, деб белгилаш замирида ҳам айнан шу мазмун ётади. Аслида эса кундан-кунга улғаяётган, дунёни билиш мақсадида қўплаб «Нега?» деган саволларни бераётган болаларга муттасил эътибор зарур. Инсон манфаатлари йили, дея эълон қилинган республикамизда бу йил болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг қувноқ дамларини, оддийликдан мураккабликка бетиним ўсаётган қизиқишларини қондириш борасида кўплаб тадбирлар белгиланган. Шубҳасиз, бу каби эътибор бир кун албатта ўз меваларини бизни хурсанд этажак.

Шу ўринда биз ёшликнинг энг қувноқ, ўйинқароқ даври кечадиган болалар боғчасидаги кичик бир тажрибани айтиб ўтмоқчимиз. У ҳам айнан болаларни, улардаги иқтидорни, истеъдодни ҳимоя этишга қаратилган.

Ўтиш даври мураккабликлари бу тарбия муассасаларига ҳам маълум маънода таъсир этди. Кўпгина болалар боғчалари «иқтисодий танглик» рўкач қилиниб ёпиб ташланди. Вазиятдан чиқиш йўлларини қидирганларнинг тажрибаси эса боғчаларнинг ёпилишига «иқтисодий танглик» эмас, балки «иқтисодий уқувсизлик» сабаб эканлигини ошкор этди.

Оқтош шаҳрида ҳам юқоридагидек ҳол юз бериши мумкин эди, қачонки мутасадди раҳбарлар бу жараёнга қўл қовуштириб томошабин бўлиб туришганида. Улар эса бу ҳолни унглаш чораларини излашди.

— Бизнинг тасарруфимизда 17 та болалар боғчаси мавжуд, — деди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Акром Раҳматов. — Албатта бозор иқтисодиёти муносабатлари бошланган илк паллаларда бир талай муаммоларга дуч келдик. Шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда уларнинг ечими изоҳида иқтидор эгаси бўлган, элини, юртини севган ёшларнинг илм олишлари, етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор берила бошланди. Боғчаларда кўрсатилаётган бу каби ғамхўрликлар эса жажжиларнинг худди шу юксак манзилга элтувчи пиллапояларга илк қадамларини қўйишга кўмак бўлади. Қолаверса бола ва унинг ота-онаси ҳаётнинг жамики лаззати илм, истеъдод, касб-ҳунар ортидан кетишини англаб етади.

«УМИД»ГА ИЛК ПИЛЛАПОЯ

— Бола бошидан, дейишади халқимиз, — деди биз билан суҳбатда 19-болалар боғчасини оталиққа олган Оқтош касб-ҳунар мактаби директори Биноқул Ҳайитов, — шундай экан ҳар биримиз улар учун ғамхўр бўлмоғимиз керак. Мактабимиз ўз имкониятидан келиб чиқиб топаётган маблағнинг бир қисмини ўз оталиғидаги болалар боғчасига ажратди. Кам таъминланган оилалар болаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 минг сўм ўтказдик. Шунингдек, боғча биносини таъмирлашни ҳам ўз зиммамизга олганмиз.

Халқимизда нақл бор — «Бир ёқадан бош чиқариб», деган. Шунга амал қилаётган Оқтош шаҳар халқ таълими бўлими ва таълим-тарбия муассасаларининг бундайин ҳамкорликларини олқишламоқ керак. Зеро, эзгу мақсадлар сари интилаётган карвонга қанчалик мадад кўп бўлса, унинг манзили шунчалик яқин бўлади. Манзил эса — келажак.

А. ЭРНАЗАРОВ.

СОҒЛОМЖОН — ПОЛВОНЖОН

Яқинда Пискент туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан 1-болалар боғчасида боғча ҳамда яслилар ўртасида болалар кунига бағишланган «Соғломжон — полвонжон» байрам кечаси ўтказилди. Кечада болажонлар ўзларининг байрам табриги, турли спорт машқлари мусобақаси ва мусиқий кўринишлари билан чиқишлар қилишиб, барчани хушнуд этишди. Байрамона беллашув тусини олган бу тадбирда 11-боғча болалари ғолиб деб топилди ва туман «Камолот» ёшлар жамғармасининг турли совғалари билан тақдирландилар.

Дарвоқе, халқ таълими аълочиси, олий тоифали тарбиячи Наима Ғафурова мудиралик қилаётган 1-боғчада тажриба сифатида 6 ёшлилар 1-синфни тугатишиб, янги ўқув йилидан 3-мактабнинг 2-синфига борадиган бўлишди.

Улуғбек ОДИЛОВ.

«ҚУВНОҚ БОЛАЛИК» — МУАММОНОМА ВА ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарийлар! Аввал қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ечинг.

1. Болаларнинг баҳорги ўйини — 16, 1, 4, 4, 2, 7.
2. Илм маскани — 13, 2, 7, 19, 2, 5.
3. «Сеними, шошмай тур!» мультфильми қаҳрамони — 9, 17, 11, 8.
4. Болалар севиб ўқийдиган халқ оғзаки ижоди жанри — 18, 15, 19, 2, 7.
5. Мақолдан: «Меҳнатдан 10, 6, 12, 19 ортар».
6. Обод, чаманзор маскан — 3, 17, 4, 14, 2, 8.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан Муҳаммад алайҳиссаломнинг бола тарбиясига оид ҳадиси шарифларидан бири аён бўлади.

Топқирлик машқи

Жавобларни шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзинг.

1. Онажонлар қўшиғи. 2. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг таржимаи ҳолига оид асари. 3. Болаларнинг севимли ширинлиги. 4. Болалар ҳажвий киножурнали. 5. Тасвирли топишмоқ тури. 6. Кичкинтойлар журнали. 7. Тебратиб, бола ором оладиган мослама. 8. «Суюнчи» бадиий фильми қаҳрамони. 9. Ҳамид Олимжоннинг халқ эртаги асосида ёзган достони қаҳрамони. 10. Оммавий байрамларда ўтказиладиган томоша, саёҳат. 11. Соғлом бўлиб улғайишда муҳим ўрин эгалловчи, жисмоний машқлар мажмуи. 12. Машҳур ўзбек халқ эртакларидан бири. 13. Ёзувчи Оқилжон Ҳусановнинг «Тоғда ўсган бола» саргузашт қиссаси қаҳрамони. 14. Ахлоқ-одобли болага бериладиган номлардан бири. 15. Мақолдан: «Болалик уй...? ... 16. Жаҳонга машҳур итальян болалар ёзувчиси. 17. Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг болалар учун кўрсатувларидан бири. 18. Машҳур ўзбек халқ қаҳрамонлик достони.



Ф. ОРИПОВ тузган.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 24 МАЙ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «МАТЕМАТИКА» ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Белгиланган хонадан соат мили бўйича: 1. Алгоритм. 2. Доира. 3. Пифагор. 4. Катет. 5. Тангенс. 6. Кесма. 7. Тенглама. 8. Даража. 9. Радикал. 10. Марказ. 11. Апофема. 12. Вектор. 13. Аргумент. 14. Конус. 15. Аксиома. 16. Коший. 17. Киселёв. 18. Шкала. 19. Логарифм. 20. Сектор. 21. Алгебра. 22. Айлана. 23. Октаэдр. 24. Миқдор.

МУАММОНОМА.

Очқич: 1. Маром. 2. Бурж. 3. Ақл. 4. Мавж.

Ноёб асар номи: «Ал-жабр вал-муқобала».

Муаллифи: Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий.

Xullas...

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ СОМОНХОНАГАЧА

Жиноятчининг қочганичи? Буни қамоқхонадан «қуён» бўлиб қолишга ннаганлардан сўраб кўриш керак, албатта.

Франциядаги энг катта, назорат кучли қамоқхоналарнинг биридан Орландо исмли жиноятчи аёллар кийимини кийиб қочиб кетди. Бироқ қамоқхона маъмурияти бутун мамлакат бўйлаб қидирув эълон қилишга улгурмасданоқ қочоқни дарҳол тутиб келтирдилар. Бундай доғулини қандай тез тутишди дейсизми?

Жиноятчи Орландо, кўчада кета туриб заҳар қаттиқ қистаб келгач, чидаёлмай аёл либосида эканлигини ҳам унутиб ўзини.. эркаклар ҳожатхонасига урганди. Бу ҳол, тайин гап, полициячиларни бефарқ қолдирмади...

СЕРГЕЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Русларда «душанба — оғир кун», деган нақл бор. Самаралик сантехник Сергей Симирнов бу ҳикматни яна бир карра тасдиқлади.

У душанба куни уйларнинг бирида иситиш тармоғини таъмирлаётганда ногоҳ труба ёрилиб кетиб оёғига қайноқ сув қуйилди. Сергей куюк азобига тишини — тишига қўйиб чидаганча ёриқни ямаб бўлган ҳам эдики, сув тўпланиб қолган полда сирғаниб йиқилди ва тиззаси қаттиқ лат еди. Устига-устак шу лаҳзада токчада турган узун сим бўлаги кўзига кириб кетганини айтмайсизми? Йўқ, барибир уста қаҳрамонларча ишни тугатди. Бироқ уй эгаси билан хайрлашиб эндигина эшикка йўналганда қуйган, лат еган оёғини бошқаролмай қолди ва устида рангли телевизор турган столни ағдариб юборди. Бу ҳам етмагандай, боши стол қиррасига урилиб ёрилди. Аммо Сергей мардона яна оёққа қалқди, бироқ уй эгаси қимматбаҳо телевизорнинг ҳақини талаб қилаётганини эшитиб... гурсиллаб қулади ва хушидан кетди...

АЖДОДЛАРГА ТАШАККУР

Жуда қадим-қадим замонларда отлар ёввойи ҳолда гала-гала бўлиб юрганидан озми-кўпми хабардормиз. Бироқ уларни илк бор кимлар қўлга ўргатиб, яхшигина улов сифатида фойдаланганини биласизми? Америкалик тарихчи Девид Энтони эса билади. Унинг таъкидлашича, отлар билан илк тил топишган қавм-Дашти қипчоқда яшаган ота-боболаримиз, яъни туркий элатлар экан. Улуғ аждодларимиз бундан 5-6 минг йил илгари отлар билан ошно бўлиб, дунёга танилган. Шу боисдан ҳам чавандозлик бизларга ота мерос. Фахрланса арзийди.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

«ҚИММАТБАҲО» САЙР

Жаҳон чемпионатида бўлаётган ҳар бир ўзгариш футбол ишқибозларининг диққат марказида туради. Олмония терма командасининг ярим ҳимоячиси Томас Хесслер маст ҳолда машина ҳайдаганлиги учун 36 минг марка жарима тўлайдиган бўлди. Бундан ташқари у яна етти ойга ҳайдовчилик гувоҳномасидан ҳам маҳрум этилди.

БИР КУНДА УЧТА ҒАЛАБА

Футбол ишқибозларининг Бразилия футболи тарихида ғаройиб воқеа юз берганлигидан хабарлари бўлмаса керак. Машҳур «Гремо» жамоаси бир кунда қаторасига уч учрашув ўтказиб, беш очко олишга муваффақ бўлди. Биринчи ўйин 6:0, иккинчиси 4:3, учинчиси — 1:0 ҳисобида якунланди. Қизиғи шундаки, ушбу учрашувларда мураббийлар асосий, ўринбосарлар ва ёшлар жамоалари таркибларидан самарали фойдалана олишган.

КАРАТЭНИНГ ТАРИҚДЕК ТАРИХИ

Каратэ, аниқроғи, каратэ-до кўп минг йиллик тарихга эга. Афсоналарга кўра, у Японияниг Окинава оролида пайдо бўлган. Шуниси қизиқки, шу оролнинг ўзида «Окинава кўли» номи билан машҳур каратэ-донинг уч йўналиши: Наха-те, Шури-те ва Тамари-телар вужудга келган. Каратэ-до ниг ега кунг—фута боғладингиз, деб савол беришингиз табиий. Бунга асосий сабаб эса каратэ-до ҳаракатларининг кўпчилиги кунг-фу ҳаракатларига ўхшашлигидир. Каратэ-донинг ушбу тариқдек тарихини обдон билиб олган ҳар бир болакайда спортнинг бу тури билан шуғулланиш истаги туғилади.

ЧЎЛОҚ ПОЛВОН

Туркиялик машҳур эркин кураш устаси Оқбош онадан қийшиқ оёқ бўлиб туғилган эди. Бироқ у беллашувлар чоғида бундан ҳам фойдаланишнинг антиқа йўлини топди. Хасталик адойи тамом қилаётган оёғини атайлаб олдинга чиқариб, рақибига кўз-кўз қиларди. Рақиблар ҳам кутиб турмай тезгина «қармоқ»қа илинганларини билолмай қолишарди. Ҳужумга ўтишарди-ю... қарши ҳужумга дуч келишарди. «Темир чўлоқ» кўплаб халқаро мусобақаларда ғолиблик нишонларини олишга сазовор бўлган.

ШАМШИР БИЛАН ЖАНГ

Яқинда Тошкентда қиличбозлик бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада барча вилоятлардан келган спортчилар ўзаро беллашдилар. Ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтган жанглардан сўнг ғолиб спортчилар аниқланди. Эркаклар ўртасида А. Бағдасаров, Ю. Безноздрев, Ш. Турдиқулов ғолиб чиқишган бўлса, аёллар ўртасида эса С. Филимонова, А. Петровалар биринчи бўлишди.

ЮЛДУЗЛАР ОЛАМИГА ЙЎЛ

5. ОЙГА САЁҲАТ

Жон Кеннеди 1961 йилнинг 25 майида АҚШ Сенатидаги нутқида сиёсат нуқтаи назаридан АҚШ учун Ойга одам учириш ҳаводай зарурлигини асослади ва «АҚШ обрўйи учун Америка аэронавтлари Ойга учирилсин» деб хитоб қилди. Шу кундан бошлаб Америка космонавтикаси фақат шу мақсадни амалга оширишга интилди.

СССРда эса бу ишлар анча мураккаб эди. 1960 йилдаёқ Совет давлати Королёвнинг КБ (конструкторлик бюро)сига 1967 йилгача икки хил улкан ташувчи ракеталарни лойиҳалашни қаттиқ топширди: «Н-1» орбитага 40—50 тонна керакли юкни элтишга, «Н-2» эса 60-80 тонна юкни чиқаришга мўлжалланган эди. Бундай кучли ракеталар Ой экспедициясида ҳам, оғир юкларни космосга чиқаришда ҳам космик станцияларни орбитага чиқаришда ҳам қўл келарди. Н. С. Хрушчев аҳволни тўғри тушунишини колумбиялик журналист Л. П. Варгаснинг Ойга учиш ҳақидаги саволига жавоб берганида (1963 йил 25 октябрь) ойдин қилди, у шундай жавоб берди: «Ойга саёҳат жуда қизиқарли, албатта. Лекин ҳозир мен бу саёҳатни қачон амалга ошириш мумкинлигини айта олмайман. Совет олимлари бу муаммо устида ишламоқдалар. Биз америкаликлар 1970 йилда Ойга тушиб, у ердан қайтиб келишларини кузатиб турамиз ва уларнинг тажрибасини ҳисобга оламиз. Жиддий тайёргарликсиз бундай мусобақада иштирок эта олмаймиз. Бундай мусобақа, анчагина космонавтларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин.».

АҚШ Ойга экспедиция тушириш программасини бажариш учун катта тайёргарлик кўрди. Ойга 10 та «Аполлон» кемалари юбориб кўрилди. Охиргиси Ойга қўниш жойини кўриб суратга тушириш учун юборилди. «Аполлон—10» 1969 йилнинг 18 майида учирилди, экипаж Томас Стаффорд (командир) Джон Янг, Юджин Сернендан иборат эди. Улар Ой яқинига етиб боришгандан кейин Ой кабинаси асосий блокдан ажратилди. Асосий блокда Янг Ой сиртидан 100 км.ча масофадаги орбитада қолди. Стаффорд ва Сернен Ой кабинаси билан маневр қилишиб, Ой сиртида 14 км. масофада бўлган орбитага ўтказишди. Уларнинг Ойга нисбатан тезлиги 1,65 км/ с эди. Ойга қўнишда фойдаланиладиган радиолокаторни синаб кўришди, қўниш учун мўлжалланган жойни атрофлича кузатишди. Қўниш босқичида ёнилғи етарли бўлиши кераклигини аниқлашди. Фақат шундагина бемалол жой танлаб қўниш мумкин эди. Қўниш босқичидан қўниш босқичини ажратиб, асосий блок томон йўл олишди ва у билан бирлашиб, унга ўтиб олишди. Сўнг ерга қайтдилар. Барча кераксиз нарсаларни Ойдан учиш босқичига жойлаб, уни космосда қолдиришди. Ерга қайтишда астронавтлар Америка космонавтикаси тарихида биринчи бўлиб соқолларини олишди. Мутахассислар бу хусусда ҳам жуда ўйланишди, чунки соқолнинг майда бўлакчалари кабинада тарқалиб нафас йўллари, кўзга, асбобларга кириб олиши мумкин эди. Устара ва соқол олиш учун крем астронавтлар учун алоҳида фирма томонидан (10 минг долларга) тайёрланганди. Суртилган крем соқолнинг майда бўлакчаларини боғловчи ролини ўтади ва тарқаб кетишга қўймади. Астронавтлар сафар пайтида Ердагилар учун телекўрсатувлар ҳам ташкил қилишди. 192 соатлик сафардан кейин асосий блок парашютларда Атлантика океанининг белгиланган жойига эсон-омон тушишди.

1969 йилнинг 16 июлида маҳаллий вақт билан соат 9 дан 30 минут ўтганда «Аполлон—11» космик кема «Сатурн—5» ташувчи ракетада Ой томон учирилди. Экипаж Нейл Армстронг (командир), Эдвин Олдрин ва ва Майкл Коллинздан иборат эди. Стартдан 11 минут 50 секунддан кейин «Сатурн-5» ташувчи ракетасининг иккинчи босқичи «Аполлон-11» космик кема билан бирга 190 км. баландликдаги доиравий орбитага чиқди. Астронавтлар икки соат борт системаларини текшириб чиқдилар, сўнгра телекўрсатувнинг экспериментал сеансларини бошлашди.

Борт вақти билан 2 соат 44 минут 22 секунд ўтганида ташувчи ракетанинг охирги босқичининг двигатели ишлай бошлади ва «Аполлон—11» космик кема ер орбитасини қолдириб, Ой томон йўл олди. Борт вақтидан 4 соат 30 минут ўтгандан кейин «Аполлон—11» космик кема ташувчи ракетанинг охирги босқичидан ажралди: астронавтлар бироз енгил тортдилар. Скафандрларни ечдилар, овқатланиб ҳам олдилар. Кема ўз ўқи атрофида секин айланиб, 10,8 км/ с тезлик билан Ой томон учиб борарди. Борт вақти билан 26 соат 45 минут ўтганда астронавтлар кеманинг марш двигателини ишга туширишди, унинг тезлигини 27,1 км/ с га етказишди. Астронавтлар ерни ва космосни кузатишга кўп вақт ажратдилар. Масалан, Олдрин монокуляр орқали Урта Ер денгизи томон қараганда унинг барча оралиғини кўриб, кузатди, ҳатто автомобиль йўлларининг шахобчалари уларда юрган автомобиллар билан кўринарди.

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ.

(Давоми бор).

Боши ўтган сонларда.

Чортоқ туманидаги 10-мактаб томонидан 1992 йилда Шокир Ғойибоев номига берилган Н № 128347 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТошДУ қошидаги С. Сирожиддинов номидаги лицей-интернат маъмурияти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Мирфозил Мирзаахмедовга онаси

Ойтўра ая ПЎЛАТ қизи вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ва тарих факультети жамоаси жаҳон халқлари тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси Ш. Отажоновга онаси

Мунира ОТАЖОНОВА вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0300. Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6